

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ХАЛИМ АМАНОВИЧ

**ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ
ЖАНРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Саидов Халим Аманович

Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг
ривожланиш омиллари..... 3

Саидов Халим Аманович

Факторы развития информационных жанров в процессе
демократизации общества 29

Saidov Khalim Amanovich

Factors in the development of information genres in the process of
democratization of society..... 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ХАЛИМ АМАНОВИЧ

**ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ
ЖАНРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

10.00.09 – Журналистика

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Досмухамедов Хуршид Набиевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Худойкулов Мухтор
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баходир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Муминова Фатима Иззатуллаевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «20» май куни соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06, e-mail: journalism.univer@gmail.com).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 2021 йил «05» май да тарқатилди.
(2021 йил «5» май даги 8 рақамли реестр баённомаси.)


Ф.А.Муминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, филология фанлари доктори, профессор

Н.Ф.Муратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари номзоди,
доцент

К.Т.Ирназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар ранси,
тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, шиддатли янгиланиш кечаётган даврда ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситалари матбуот назарияларини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Публицистикадаги ахборот жанрлари, уларга асос бўлган назариялар, моделлар, янги ахборий жамият матбуоти назарияси, унинг ахборот жанрлари ривожланишига таъсири, омиллари, принциплари, янгилик концепцияси такомиллашиб бормоқда. Янгиликни тақдим этишда тезкорлик билан бирга оммавий ахборот воситалари(ОАВ)нинг матбуот шаклида воқеа-ҳодисани қисқа матн, турли диаграмма, кўшимча маълумот ва жараёндаги фотолар билан беришда ёндашувлар ўзгарган бўлса, теле ҳамда янги йўналиш — интернет журналистикасида ахборотни ўз шарҳловчисидан ташқари воқеа жараёнининг бевосита иштирокчилари томонидан мобил алоқа воситаларида олинган фото, видео, сўз ҳамда турли диаграмма, иловалар орқали ифодалаш оммалашди. Радио журналистикасида ҳам матнга ҳамоҳанг жараён иштирокчилари шарҳи ҳамда тафсилотларни визуал етказиш усуллари кенгаймоқда. Илм-фан ва техника тараққиётининг ОАВ фаолиятига татбиқ этилиши функционал ва морфологик ўзгаришларни юзага келтириб, ундаги мураккабликлар янги ёндашувларни тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида эркин журналистика, янгиликлар тузилмаси, янгиликлар турлари, репортаж, интервью, ҳисобот, ахборот жанрлари таҳрири, ахборот манбаи, журналистикада ихтисослашув бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан миллий газеталар, оммавий ахборот воситалари, матбуот нашрлари, интернет сайтларида янгиликларни топиш, воқеа-ҳодисага холис ёндашиб, уни халққа тушунарли тилда ёзиб, нашрга тайёрлаш, тезкор тарқатиш жараёнларини соҳа таълим муассасалари талабаларига ўқитиш, маҳорат мактабларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сўз эркинлиги ва демократик тамойиллар устуворлигига катта аҳамият қаратилмоқда. Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам кўйди. Ҳозирда давлат ҳамда инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да “Фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони.

каби вазифалар белгиланган². Бунда жамиятнинг шаклланишида оммавий ахборот воситалари фаолияти ва улар таркатаётган ахборотнинг ўрни, матбуот назарияси, ахборот жанрлари тараққиёти, демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ўзига хос хусусият касб этиши, ахборотнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсир этиш омиллари, жаҳон ҳамжамиятида геосиёсий манфаатлар ва ахборот холислиги муаммолари, миллий журналистика ахборотнинг қандай йўлларини босиб ўтганлигини таҳлил қилиш, журналистикада жанр тушунчаси, мазкур жанрлар тараққиётига хизмат қиладиган ихтисослашиш ва таҳрир муаммоларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Жамиятнинг демократлашувида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Illinois, The University of Pennsylvania, The University of Minnesota, The University of Texas, Florida International University (АҚШ), Northumbria University Newcastle, Leeds Metropolitan University, University of Westminster, Brunel University London, Cambridge University (Буюк Британия), Queensland University of Technology

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сон Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи <https://oxfordre.com/communication/> (Oxford Research Encyclopedias); <https://oatd.org/> (Open access Theses and dissertation); <http://www.jstor.org/stable/> (Digital Library for Scholars); <http://www.press.uillinois.edu/> (University of Illinois Press); <https://eprints.qut.edu.au/> (Queensland University of Technology) <https://bura.brunel.ac.uk/handle/2438/12443> (Brunel University London); <https://ir.lib.uwo.ca/etd/4269> (The University of Western Ontario); <https://conservancy.umn.edu/handle/> (The University of Minnesota); <https://www.utdallas.edu/> (The University of Texas); <https://www.fiu.edu/> (Florida International University); <https://www.westminster.ac.uk/> (University of Westminster); <http://www.cam.ac.uk/> (Cambridge University) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Австралия), The University of Western Ontario, University of Ottawa, University of Toronto (Канада), The University of Hong Kong (Pokfulam) (Гонг Конг), Hasetepe University, Bilkent University (Туркия), Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Матбуот назариялари ва янгиликларининг демократик жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда ривожланиш омилларини илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: матбуот назарияларининг моҳияти, уларнинг демократик қадриятларга мослиги ёки акси, аҳамияти ёки камчиликлари очиб берилган (University of Illinois, АҚШ); замонавий журналистика ахборот тарқатишида объективлик масалалари, фуқаролик журналистикаси орқали кириб келаётган субъектив ахборотни назоратда сақловчи фактор бўлиши кераклиги асосланган (Old Dominion University, АҚШ); ахборот олиш, қайта ишлаш, янгилик ёзиш таълимининг ўзига хосликлари асослаб берилган (Loyola University, Winona State University, Temple University, АҚШ; Indian Institute of Mass Communicatoins, Ҳиндистон, University of Melbourne, Австралия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида демократик тамойилларга асосланган дунёнинг ахборот ва коммуникация жараёнларида ахборот жанрлари ўрни борасида қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ахборот узатишда рақамли технологиялар яратган имкониятларни, ахборотни ишлаш жараёнидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш; янгиликларни моҳият, шакл ва кўриниш жиҳатдан қайта таснифлаш; объектив ва субъектив ахборот; янгилик тарқатишда сўз эркинлигининг бугунги кундаги кўринишларини ўрганиш; замонавий медиа муҳитда ахборотнинг ишоччилиги масалалари; фуқаролик журналистикасининг профессионал журналистикага импульси; матбуотда медиаконвергенция жараёнларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда матбуот назарияси, ахборот жанрларининг ўзига хосликлари, уларнинг таълими бўйича М.Худойқулов, Ф.Муминов, П.Муминова, Х.Дўстмуҳамедов, Қ.Эрназаров, Ф.Нестеренко, Я.Маматова, Ю.Ҳамдамов, Н.Қосимова, Н.Тошпўлатова, Ф.Низомов, Н.Тўхлиевалар тадқиқотлар олиб боришган⁴.

⁴ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – 234 б.; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2011. – 288 б.; Мўминов Ф. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт // Ўзбекистон матбуоти. – 2007. – № 6. – Б. 32-33.; Муминова П.И. Современная международная журналистика: тенденции, проблемы и перспективы (концептуально-функциональный анализ). НУУ им. Мирзо Улугбека. Дис. на соиск. док. филол. наук. Ташкент, 2002. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 240 б.; Эрназаров Қ. ва бошқ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2002. – 200 б.; Нестеренко Ф., Ирнараров Қ., Маматова Я. Современная журналистика. – Т., 2006. – 404 б.; Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 216 б. Қосимова Н. ва бошқ. Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. – Т., 2008. – 148 б.; Низомов Ф. Янгилик нима, информация-чи? // Тафаккур. – 1997. – № 2. – Б. 6-10.; Тўхлиева Н. Янгиликлар назарияси ва унинг амалиётдаги ифодаси // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2006. – № 1-2. – Б. 149-152.

МДХ давлатларида Б.В.Стрельцов, С.С.Бодрунова, А.А.Тертычный, М.Н.Ким, Л.А.Васильева, Е.Л.Варганова, Я.С.Воскобойников каби тадқиқотчилар матбуот назарияси, ахборот жанрлари тараққиёти омили, янгиликлар журналистикасининг умумий назарияси, уларнинг таълими, матн яратиш борасида илмий изланишлар олиб боришган⁵.

Матбуот назарияларининг аҳамияти, жамиятдаги ахборот ва коммуникация жараёнларининг моҳияти шу соҳанинг етакчи олимлари, назария асосчилари F.Sibert, T.Piterson, U.Schramm, M.Maklyuen, M.Kastels, N.Luman, A.Mol, E.Toffler, A.Ursul асарларида очиб берилган⁶.

Ғарбда, хусусан, Шимолий Америка, Европа давлатларида янгиликлар мавзуси сиёсатшунослик, маданиятшунослик ва иқтисодий йўналишларда ўрганилади. Америка сиёсий журналистикасида U.Lippman, Ye.German va N.Xomskiy, S.Louri ҳамда M.Defler, янгиликларни саралаш амалиёти бўйича D.Uayt, X.Gans, M.Fishman, J.Hartli (Буюк Британия), D.Adams, янгиликлар таълими бўйича M.Karpini, T.Jessika, M.Mencher, Konrad S.Fink, K.Shrivastava(Ҳиндистон)⁷ томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот режаси ҳамда ИТД-1-117-сон “Журналистика факультетлари бакалаврлари учун репортёрлик маҳорати ва таҳрирга доир ўқув-услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ҳамда “Репортёр” ўқув-ахборот ресурс марказини ташкил этиш” (2012-2014) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омилини белгилаш ва уларнинг аҳамиятини илмий-назарий тадқиқ этиш.

⁵ Стрельцов Б.В. Основы публицистики. Жанр: Учеб.пособие. – М.: Университетское, 1990. – 240 с.; Бодрунова С.С. Медиакратия: СМИ и власть в современных демократических обществах, 2015.; Тертычный А.А. Жанры периодической печати. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 312 с.; Ким М.Н. Новостная журналистика. – Санкт-Петербург: Изд.Михайлова В.А., 2005. – 295 с.; Васильева Л.А. Делаем новости! – М.: Аспект пресс, 2003. – 144 с.; Варганова Е.Л. От теорий прессы – к моделям СМИ: к истории возникновения сравнительного изучения медиасистем за рубежом // Коммуникации. Медиа. Дизайн. 2018. – № 2. – С. 5-16.; Воскобойников Я.С., Юрьев В.К. Журналист и информация. –М.: РИА “Новости”, 1993. – 204 с.

⁶ Siebert F., Peterson, F., Schramm W. Four Theories of the Press: The Authoritarian, Libertarian, Social Responsibility and Soviet Communist Concepts of What the Press Should Be and Do. – Urbana; Chicago: University of Illinois Press, 1984.; Маклюэн М. Галактика Гутенберга: становление человека печатающего / пер. И.Тюриной. – М.: Акад. Проект, 2015. – 495 с.; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. – М., 2000; Луман Н. Что такое коммуникация. Электронный ресурс: http://www.soc.pu.ru/publications/rts/luman_3.shtml. Дата обращения: 12.08.2020.; Моль А. Теория информации. – М., 1966; Тоффлер Э. Третья волна. – М., 2004; Урсул А.Д. Природа информации. – М., 1968.

⁷ Lippman W. Public Opinion. – N.Y.: Harcourt Brace, 1922.; Herman E.S., Chomsky N. Manufacturing Consent. The Political Economy of the Mass Media. – London: Vintage. 1994.; Lowery S., DeFleuer M. Milestones in Mass Communication Research. Media effects. 3d ed. – N.Y.: Longman. 1995.; White D. The Gatekeepers: a case study in the selection of news // Journalism Quarterly. 1950.; Cans H.J. Deciding What's News: The Study of CBS Evening News, NBC Nightly News, Newsweek and Time. – N.Y.: Vantage. 1979.; Fishman M. Manufacturing the News. – Austin, TX: University of Texas Press. 1980.; Hartley J. Understanding News. – London, N.Y.: Routledge. 1982.; Adams D. The democratisation of journalism practice for a politically informed citizenry : the capacities of new media to engage citizens in public life - a case study. – Queensland University of Technology. 2013.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган матбуот назарияларининг ўзига хосликларини таҳлил этиш, демократик жамиятлар матбуоти тараққиётига хос тенденцияларни ўрганиш ва янги матбуот назарияси асосларини ишлаб чиқиш;

чор Россияси даври матбуотида ахборотларга муносабат масалалари, сабаб ва оқибатларини таҳлил этиш;

жадидлар матбуотида ахборот жанрларининг ривожланиш тенденциясини ўрганиш;

собик шўролар даври матбуотида ҳаққоний ахборотларга муносабат масалаларини баҳолаш;

янгиликни ахборот жанрининг асоси сифатида таснифлаш ва унинг концепциясини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида жамиятда демократик тамойиллар устуворлик касб этиши жараёнида сўз эркинлиги ҳамда ОАВ (босма матбуот нашр)ларида ахборот жанрларининг ривожланиш тенденцияси ўрганилган.

Тадқиқот предмети жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг тадрижи, замонавий тенденциялари ва ривожланиш омилларини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш), диагностик (кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш ва бошқ.) усуллар мажмуи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва сўз эркинлигини таъминлашда ахборий жамият матбуоти назариясининг миллий матбуотдаги ривожланиш тенденцияси тадрижий характерга эга экани исботланган;

чор Россияси ҳукумати мустамлака Туркистонда ўз сиёсатини юритишда матбуотнинг авторитар назариясини жорий этгани ахборот жанрларида ёзилган мингдан зиёд хабар ва ҳисоботларнинг контент таҳлили асосида далилланган;

давлат ва жамият бошқарувида оддий аҳоли иштирокини таъминлаш орқали жадид матбуотининг воқеа-ҳодисага тезкор муносабати, ахборот ва таҳлилий материаллар контексти либертариан назарияга хослиги ва унинг миллий демократик журналистикага асос эканлиги исботланган;

собик социалистик тузум манфаати ҳамда партия диктатурасини қўллаб-қувватлашда журналистиканинг совет тоталитар матбуоти назарияси ҳақиқий ахборотни жамоатчиликдан яширганлиги аниқланган;

янгиликлар категорияси ўзбек миллий журналистикасига ахборот жанрларидан бири сифатида киритилиб, унга концептуал ёндашув кенгайтирилган ва “яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ҳодиса ёки фикр ҳақидаги ахборот” деб такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

журналистика, давлат ва жамият олдидан турган долзарб вазифаларга аниқлик киритиши учун оммавий ахборот воситаларининг “Ахборий жамият матбуоти назарияси” тавсия этилган;

ОАВларининг энг тезкор ва кенг тарқалган ахборот жанри – янгиликлар концепцияси такомиллаштирилган;

тахририят қошида “Маҳорат мактаби” фаолияти асосида журналистларни тор соҳа йўналишларига ихтисослаштириш бўйича амалий тажрибалар умумлаштирилган;

олий ўқув юртлари бакалаврлари ва магистратура мутахассислиги учун “Репортёрлик маҳорати” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

“Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти” (1-жилд), “Оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари” (5-жилд), “Ихтисослашган журналистика” (9-жилд) мавзуларида илмий-оммабоп нашрлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, шунингдек, тажрибаларнинг таҳлили ва натижаларининг сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятнинг демократлашувида ахборот жанрларининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлар асослаб берилганлиги, “Ахборий жамият матбуоти назарияси” яратилганлиги, янгиликлар концепцияси такомиллаштирилганлиги, хорижий тажрибалар қиёсида янгиликларнинг бошқа жанрларга ҳам асос бўлиши таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ташкилий тузилмаси, улар қошида ташкил этилган маҳорат мактаблари, журналистларни ихтисослаштириш бўйича амалий машғулотлардан фойдаланилиши кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва матбуот фаолияти ривожини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари юзасидан чиқарилган хулоса ва амалий таклифлар асосида:

оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва сўз эркинлигини таъминлашда ахборий жамият матбуоти назариясининг исботланган миллий матбуотдаги ривожланиш тенденциясига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги “Ёш журналистлар кенгаши”нинг фаолиятини, “Устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, ёш кадрларнинг малакасини ошириш борасидаги ишларда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг 2020 йил 26 июлдаги

16/247-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон журналистикасида ахборий жамият матбуоти назариясини татбиқ этиш стратегияси ишлаб чиқилган ва ёш журналистларнинг публицистик жанрларда ёзилган материаллари асосида “Ёш юраклар садоси” китоби чоп этилган;

матбуотнинг авторитар назарияси асосида ахборот жанрларида ёзилган хабар ва ҳисоботлар орқали чор Россияси ҳукумати мустамлака ўлкаларида ўз сиёсатини юритишда фойдалангани давр матбуоти материаллари воситасида аниқланган хулоса ва таклифлардан “Ишонч” газетасида ахборий жамият матбуоти назарияси, унинг янги Ўзбекистон журналистикасидаги ўрни, уч ҳокимиятнинг оммавий ахборот воситаларига муносабатини ўзгартириш эҳтиёжи каби ёритилаётган муаммоларнинг демократик жамият ривожига аҳамияти хусусидаги тарғибот ишларида фойдаланилган (“Ишонч” газетаси таҳририятининг 2020 йил 29 июлдаги 32-сон маълумотномаси). Натижада, уч ҳокимиятнинг тўртинчи ҳокимиятга муносабати ахборий жамият матбуоти назарияси асосида йўлга қўйилиши зарурати оммалаштирилган;

давлат ва жамият бошқарувида оддий аҳоли иштирокини таъминлаш орқали жаҳид матбуотининг воқеа-ҳодисага тезкор муносабати, ахборот ва таҳлилий материаллар контексти миллий демократик журналистикага асос эканлиги исботланган хулоса ва таклифлардан Республика “Маърифат” газетаси таҳририяти қошида “Маҳорат мактаби” ташкил этилиб, 1999–2019 йиллар давомида талаба-журналистларнинг ихтисослашуви, ахборот жанрлари тараққиётига оид маърузалар, тақдимотларда фойдаланилган (“Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятининг 2020 йил 19 майдаги 59-сон маълумотномаси). Натижада, “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятининг ташкилий тузилмаси янгиланган, бўлимлар мутахассислари ихтисослаштирилган;

социалистик тузум манфаати ҳамда партия диктатурасини қўллаб-қувватлашда журналистиканинг совет тоталитар матбуоти назарияси ҳақиқий ахборотни жамоатчиликдан яширганлиги аниқланган хулоса ва таклифлардан “Маърифат” газетаси таҳририяти қошидаги “Маҳорат мактаби”да “Ёшлар овози” газетаси ходимларини ихтисослаштиришда, “Устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, ёш журналистларнинг малакасини ошириш борасидаги ишларда фойдаланилган (“Ёшлар овози” газетаси таҳририятининг 2020 йил 27 июлдаги 20/157-сон маълумотномаси). Натижада, “Ёшлар овози” газетаси таҳририяти ташкилий тузилмаси янгиланиши, бўлимлар мутахассислари ихтисослаштирилиши ҳамда “Устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйишга хизмат қилган;

янгиликлар категорияси ўзбек миллий журналистикасига ахборот жанрларидан бири сифатида киритилганлиги, унга концептуал ёндашув кенгайтирилганлиги жиҳатдан асосланган хулоса ва таклифлардан “Маърифат” газетаси таҳририяти қошидаги “Маҳорат мактаби”да “Тил ва адабиёт таълими” ва “Преподавание языка и литературы” журналлари таҳририяти ходимларини ихтисослаштиришда, таҳририят ишини ташкил этиш ва бошқариш ишларида фойдаланилган (“Тил ва адабиёт таълими” ва “Преподавание языка и литературы” журналлари таҳририятининг 2020 йил

26 июлдаги 03/13-06-25-сонли маълумотномаси). Натижада, “Тил ва адабиёт таълими” ва “Преподавание языка и литературы” журналлари таҳририяти ташкилий тузилмаси такомиллаштиришга, бўлимлар мутахассисларини тил ўргатиш ва адабиёт таълимига ихтисослаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 15 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 210 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ахборот назарияси тадрижи муаммолари**” деб номланган биринчи бобида журналистика ахбороти, жаҳон журналистикаси ривожда матбуот назарияларининг аҳамияти, ахборотнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни, геосиёсий манфаатлар ҳамда ахборот холислиги муаммолари ёритилган.

Ахборот тушунчаси турли соҳаларда хилма-хил мазмунга эга эканлиги, лекин журналистика ахбороти баъзи дунё мамлакатлари илмида қисман изоҳланган бўлса-да, Ўзбекистонда ҳозирга қадар чоп этилган амалдаги луғат, энциклопедия ва бошқа манбаларда бу тушунчага тўлақонли тугал изоҳ берилмаганлиги маълум бўлди. Ғарб оммавий ахборот воситаларида асосий эътибор оддий ахборотларга эмас, балки янгиликларга, яъни бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни тезкор равишда оммага етказилишига қаратилади. Репортёрларнинг ҳам асосий бажарадиган вазифалари янгилик топиш, ёзиш, узатиш сифатида кўрилади.

Айни пайтгача ўзбек оммавий ахборот воситаларида ахборот жанрларига қисқа хабар(хроника), хабар, репортаж, лавҳа, интервью, суҳбат ва ҳатто, ҳисобот кабилар кириши таъкидлаб келинар эди⁸. Уларнинг оммавий ахборот воситаларида ўзига хос ўрни бор, лекин ривожланган демократик давлатлар тажрибаларини ўрганиш баробарида ўз журналистикамизни ривожлантиришни, уни бойитишни ўрганишимиз зарур бўлади. Бунинг асоси назарий қарашларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Жаҳон журналистикаси ривожда матбуот назарияларининг аҳамияти катта. XX асрда капиталистик ва социалистик тузумлар бир-бири билан рақобатлашиши натижасида капитализм бозор қоидалари билан фаолият юритадиган демократияни асос сифатида олган бўлса, социализм ижтимоий тенглик ғоясини амалга ошириш учун тоталитаризм йўлини танлади.

XX асрда АҚШнинг икки катта университети тадқиқотчиларидан иборат Комиссия томонидан “Озод ва масъулиятли матбуот. Оммавий коммуникация бўйича умумий маъруза: газеталар, радио, кино, журналлар ва китоблар” мавзусида тадқиқот ўтказилди (унинг натижаси “Four Theories of the Press: The Authoritarian, Libertarian, Social Responsibility, and Soviet Communist Concepts of What the Press Should Be and Do”⁹, унинг русча таржимаси “Четыре теории прессы”¹⁰ китобларида мужассам). Муаллифлар матбуот назариясини *авторитар, либертариан, ижтимоий масъулият* ва *совет тоталитар* назариясига бўладилар. Уларнинг ҳар бирида мақсад ва вазифалар, қоидалар мавжуд. Масалан, авторитар назарияда мавжуд сиёсий машина ва амалдорларни танқид қилиш тақиқланган. Либертариан назарияда ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин, асосан, ҳақиқатни топишга ва ҳукуматни назорат қилишга ёрдамлашиш унинг бош мақсадидир. Ижтимоий масъулият назариясида эса ОАВ ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олиши керак, акс ҳолда, уларни кимдир шундай бўлишга мажбур этиши лозим. Совет тоталитар назариясида эса ОАВ давлатга қарашли бўлиб, қаттиқ назоратда бўлади ва унинг қуроли сифатида бошқа назариялардан фарқланади.

Мазкур тадқиқотда Ғарб олимлари ўз юртлари босиб ўтган назарияларни кетма-кетликда (“*авторитар-либертариан-ижтимоий масъулият*”) изоҳлаб, “йўлдан адашган” (*совет тоталитар*) назарияни алоҳида кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, матбуот *авторитар* назариясида шаклланиб, эволюцион йўл билан *либертариан*, ундан сўнг *ижтимоий масъулият* назариясига ўтди. Бу назарияларни уч юз йил давомида амалиётда қўллаш учун Европа давлатлари ва АҚШ нафақат сиёсий, илмий, балки аграр, индустриал, постиндустриал (жамият) деб аталадиган муайян иқтисодий босқичларни босиб ўтди¹¹. Бу жараёнда жамиятдаги ахборот олиш, тарқатиш, фойдаланиш

⁸ Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастури. – Т.: Университет, 1997.

⁹ Fred S.Siebert, Theodore Peterson, Wilbur Schramm. Four Theories of the Press: The Authoritarian, Libertarian, Social Responsibility, and Soviet Communist Concepts of What the Press Should Be and Do. – USA: University of Illinois Press, 1984. – P. 168.

¹⁰ Фред С.Сиберт, Теодор Питерсон, Уилбур Шрамм. Четыре теории прессы. – М.: Вагриус, 1988. – С. 222.

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин – Солик. Таҳрир хайъати: А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев ва б. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б.158.

билан боғлиқ эркинликлар шу йўлни танлаган давлатлар иқтисодига, фаровонлигига хизмат қилди.

Ўзбекистонда вақтли матбуотнинг таъсис этилиши XIX асрнинг иккинчи ярми, миллий матбуотнинг бошланиши эса XX асрнинг илк йилларига тўғри келади ва бу аграр жамиятдан индустриал жамиятга ўтишга ҳаракат бошлаган Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини юритган, яъни Россияда матбуотнинг авторитар назарияси ҳукм сурган даврдир.

Большевиклар олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсат совет коммунистик матбуот назариясига асос солди¹², бошқача қарашдаги газеталар тўхтатилди. Демак, собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги Туркистон(Ўзбекистон)да ҳам матбуот XX асрнинг 20-йилларидан Чор Россияси давридаги *авторитар назариядан совет коммунистик матбуот назариясига* чекинди.

Таҳлиллар ҳар қандай миллий матбуотдаги янгилиниш, тараққий этиш (буни демократик йўлга чиқиш деб ҳам таърифлаш мумкин) мамлакатдаги иқтисодий салоҳиятга чамбарчас боғлиқ эканлигини, мустақилликнинг чорак асрлик йўли тажрибалари эса матбуотда тоталитар назарияга асосан ахборотни чеклашга, иқтисодий инқирозлар моҳияти ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар берилмаслиги коррупциянинг томир отишига, ишлаб чиқаришнинг камайишига сабаб бўлганлигини кўрсатди.

Ўтган чорак аср мобайнида ўзбек тадқиқотчилари матбуот назарияси ҳақида фикр юритсалар-да, “биз қайси назарияни қўллаяпмиз, уни амалга оширишда қай жиҳатларида камчиликларимиз бор”, деган саволни ўртага ташламадилар. Масалан, филология фанлари доктори, профессор М.Худойкулов муаллифлигидаги “Журналистика ва публицистика” ўқув қўлланмасининг салмоқли қисми “Оммавий ахборот воситалари назарияси”¹³га бағишланган. Муаллиф унда матбуотнинг ижтимоий онг кўриниши сифатидаги жиҳати, эркинлиги ва унинг моҳияти, асосий функциялари, бош принциплари, матбуот ва жамоатчилик фикри, журналист масъулияти ҳақида ёзар экан айни пайтда юқоридаги тўрт ёки бошқа назариянинг қайси бири бизга мос келишига эътибор қаратмайди. Жумладан, “Матбуот эркинлиги ва унинг моҳияти” мавзусида матбуот эркинлиги сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири эканлиги, бу масала турли жамиятда турлича ҳал этиб келинаётганлигини таъкидлайди. Англиялик жамоат арбоби Ж.Мильтоннинг, россиялик олим Е.Прохоровнинг фикрларини келтиради. “Матбуот эркинлигининг уч асоси мавжуд бўлиб, булар – унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларидир”¹⁴, дея уларнинг турли тузум эҳтиёжидан келиб чиқиб фаолият кўрсатишини айтиб ўтади. Шунингдек, муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб, “жамиятимизнинг тараққий этиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг муваффақият билан амалга ошиши жараёнида

¹² Декреты Советской власти. Т. I. – М., Гос. изд-во полит. литературы, 1957. – С. 230.

¹³ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – Б. 5–56.

¹⁴ Ўша манба, 23-бет.

матбуот эркинлиги борасидаги айрим муаммо ва нуқсонлар ҳам ўз ечимини топиб бораверади”¹⁵, деган хулосага келади.

Олимлар К.Эрназаров, Ш.Ирназаров ва Е.Войтик эса масалани Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири оммавий ахборот коммуникация воситалари бўйича ўз моделини фаол излаётганини таъкидлайдилар. “Бу жараён ўзгарувчан муваффақиятлар билан бирга бир томондан Ғарб, иккинчи томондан эса Россия амалиётига йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, умуман олганда, миллий моделнинг асосий хусусиятлари – омма менталитети ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда сақланиб қолади”, дея хулоса қиладилар¹⁶.

Сўнгги тўрт йиллик ислохотлар туфайли Ўзбекистонда матбуотнинг авторитар назариясидан ташқари либертариан ва ижтимоий масъулият назарияси элементлари амалда қўлланилаётгани сезилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, хусусан, Россиядаги ҳолат бўйича рус тадқиқотчилари С.Корконосенко¹⁷, Е.Прохоров¹⁸ янги назария зарурати, хусусан, халқ журналистикасини шакллантириш, бунинг учун, аввало, мавжуд журналистикани демократлаштириш зарурлигини таъкидлайдилар.

“Жаҳон матбуоти эркинлиги индекси 2010”да 9-ўринни эгаллаган Болтиқбўйи давлатларидан бири Эстониянинг бу кўрсаткичга эришишида халқ журналистикасига йўл очилгани сабаб қилиб кўрсатилади¹⁹.

Икки давлат мисолидаги ўзига хослик шундаки, улар фуқаролик²⁰ ёки халқ журналистикасини ривожлантириш йўллари кидиришмоқда.

ЎЗМУ профессори Қ.Эрназаров Ўзбекистонда кейинги тўрт йилда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, ижтимоий тармоқларда берилаётган танқидий материалларга эътибор ва албатта, дунёда кечаётган янгиланишларни назарда тутиб халқ журналистикаси назарияси бизга яқинроқ эканлигини таъкидлаган бўлса, таниқли ҳуқуқшунос ва журналист К.Баҳриев бугун техник имкониятлар сабаб оддий одамлар журналистлардан ўтиб кетаётганини, муаммолар тезлик билан сайт ёки ижтимоий тармоқларга жойланаётгани сабаб уни “халқ журналистикаси” деб ҳисоблайди²¹.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра янги Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари, журналистлар демократик принципларга асосланган “Ахборий жамият матбуоти назарияси” асосида фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Унда ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин миллий

¹⁵ Ўша манба, 27-бет.

¹⁶ Эрназаров К., Ирназаров Ш., Войтик Е. Формирование современной национальной модели журналистики Узбекистана // Электронный ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-sovremennoy-natsionalnoy-modeli-zhurnalistiki-uzbekistana/viewer>. Дата обращения: 25.01.2021.

¹⁷ Корконосенко С.Г. Сущность журналистики, открытия пониманию и неподвластная схема // Вестник МГУ, 2009. – № 2. – С. 40-48.

¹⁸ Прохоров Е.П. Журналистика и демократия: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С. 18.

¹⁹ Петухова Е. Народная журналистика. Электронный ресурс: <http://www.media.ge/ru/portal/blogs/39075/>. Дата обращения: 12.08.2020.

²⁰ Петухова Е. Народная журналистика. Электронный ресурс: <http://www.media.ge/ru/portal/blogs/39075/>. Дата обращения: 12.08.2020.

²¹ Карим Баҳриев: Ҳақорат ва тухмат учун журналист ҳам жарима тўласин. Электрон ресурс: <http://uza.uz/oz/culture/karim-ba-riev-a-orat-va-tu-mat-uchun-zhurnalist-am-zharima-t-22-02-2019>. Мурожаат вақти: 12.08.2020.

ўзига хос қадриятларни (асосан, ахлоқ назарда тутилмоқда) ҳисобга олган ҳолда муаммони муҳокамага олиб чиқиш унинг бош мақсади эканлиги, фикри бор ҳар бир кишининг ОАВдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, мамлакат саноатлашиб, постиндустриал ва ниҳоят, ахборий жамиятга босқичма-босқич ўтгунига қадар ОАВ учун ажратиладиган беғараз иқтисодий асос яратилиши, қонунларга сингдирилиши, амалда қўлланилиши муҳимдир.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон матбуотида ахборот жанрлари эволюцияси: тарихий тенденция ва зиддиятлар”** деб номланган иккинчи бобида Туркистонда миллий газеталар пайдо бўлгунга қадар ахборот тушунчаси ва ахборот жанрлари тизими, жаҳидлар матбуотида ахборот жанрларининг ўзига хосликлари, совет тоталитар диктатураси шароитида ахборот жанрларидан фойдаланиш муаммолари илмий тадқиқ қилинган.

Юртимиз ҳудудида вақтли матбуотнинг тарихи чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, мустамлака сиёсатини юритиш учун ташкил этган “Туркестанские ведомости” ва унинг иловаси “Туркистон вилоятининг газети” билан бошланиши таъкидланади²². Таҳлилларимиз мазкур нашрлар авторитар назария қоидаларига кўра чор Россияси империяси манфаатларига хизмат қилганлигини кўрсатди²³. “Туркестанские ведомости” газетасининг иловаси “Туркистон вилоятининг газети”(ТВГ) ҳам авторитар назария сиёсатини юритган²⁴. Мазкур матбуот нашрларининг бевосита ахборот ва уни ёритишга боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида номлари келтирилган газеталар Низомида белгиланган “Рус подшолари ҳаётидан олинган қисқа ҳикоялар, маҳаллий ва бошқа хил ахборотлар” банди тадқиқотимиздаги авторитар матбуот назариясига оид илк расмий манба ҳисобланади²⁵.

“Туркистон вилоятининг газети”да ҳам ахборотлар расмий ва норасмийга бўлинади. Улар “Ички хабарлар”, “Хабарлар ва қайдлар”, “Хориж хабарлари”, “Маҳаллий қисқа хабарлар” рукнларида чоп этилган.

“Маҳаллий хабарлар”га *“Пучутной гражданин купис Хулудовга Хўжанд шаҳрида гўза тозаламоқ учун корхона тайин қилгони учун хати таъриф таъйин бўлди”* ахборотини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин²⁶. Бу хабарда “хати таъриф”(мақтов ёрлиғи)га мустамлака аҳолисининг пешона тери эвазига экилиб, ишлов берилиб, терилган пахтани тойлаб олиб кетишга тайёрлайдиган корхона қургани учун шаҳарнинг “фахрий фуқаро”лигига рус савдогари муносиб кўрилгани ёзилмоқда.

Маҳаллий ҳунармандлар ҳақидаги хабарда “Хўжандлик Муҳаммад Шукурга лойдан қилғон идишлари учун биринчи медал таъйин бўлди”,

²² Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд. – Т.: Шарқ, 2008. – 384 б.; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 380 б.

²³ “Туркестанские ведомости” – еженедельная газета // “Туркестанские ведомости”, 28 апрель 1870 г.

²⁴ Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 91.

²⁵ Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 91.

²⁶ Маҳаллий хабарлар // “Туркистон вилоятининг газети”, 1870 йил 13 октябрь.

дейилади²⁷. Хабарга кўра, маҳаллий хунарманд ўзи ясаган маҳсулотларни мустамлакачилар раҳбарига совға қилгани учун тақдирланган. Кўриб чиқилган икки хабарда ҳам мустамлакачи манфаат кўрган.

Тарихдан маълум Дукчи эшон кўзғолони ахборотлари ҳам авторитар назария нуқтаи назаридан ёритилганлигини кўрсатди²⁸. Яъни, у подшоҳни ҳимоя қилади, унинг қонли сиёсатини бировлар, бизнинг мисолимизда маҳаллий халқ вакиллари қўли билан амалга оширади. Дукчи эшон воқеаси “жиноятчилари” қатли ҳақидаги ахборотга ана шу вазифа юкланган²⁹.

“Жадид” деб ном олган Туркистон маърифатпарварларининг матбуоти авторитар назария қоидалари асосида фаолият кўрсатиши керак эди. Бироқ унинг ўзига хосликлари борлигини ҳам таъкидлаш жоиз³⁰. Жадидларнинг асл мақсадларини турлича тушуниш ва талқин этиш ҳар хил хулосаларга олиб келди. Бу қарашлар тадқиқотчиларнинг бир (мустабид) жамиятдан иккинчи (мустақил) жамиятга ўтиш давридаги турлича талқинларга, яъни жадидчиликка муносабатнинг ҳар хил эканлигига асослангандир³¹.

Ўрганишларимиз миллий матбуот сарчашмаси “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Турон”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон” газеталаридаги ахборотларни “Мамлакат хабарлари”, “Хорижий хабарлар”, “Телеграф хабарлари”, “Тошкент ахбори”, “Маҳаллий хабарлар”, “Ибратли хабарлар”, “Мусулмон олами хабарлари”, “Дохийий хабарлар” каби рукнларда маҳаллий аҳоли маърифатини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган долзарб ва қизиқарли янгиликлар бериб борилганини кўрсатди. Номлари келтирилган нашрлар жамоаси томонидан ахборот беришда либертариан назария қоидаларига риоя этишга ҳаракат қилинган. Бу, албатта, авторитар назария тарафдорлари – ҳукумат, унинг цензорларига мутлақо ёқмас эди. Шу боис мазкур нашрлар тез фурсатда чор ҳукумати томонидан ёпилган³².

Маърифатпарвар (жадид) журналистлар ва муҳаррирлар назарида халққа ҳақиқий ахборот тарқатиш – озодлик ғоясини тарғиб этиш билан баробар турган. Жадид муҳаррирларининг ахборотга бўлган муносабати, амалиёти бугунги миллий демократик журналистикамизга муайян маънода асос бўлиб хизмат қилади.

Совет тоталитар диктатураси даврини тадқиқотчилар бир неча босқичларга бўлиб ўрганишган. Улар 1917–1925, 1926–1940, 1941–1945,

²⁷ Маҳаллий хабарлар // “Туркистон вилоятининг газети”, 1870 йил 13 октябрь.

²⁸ Маҳаллий хабарлар // “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил 23 май.; Жаноб Туркистон генерал губернаторининг аъламномаси ушбудири // “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил 6 июль.

²⁹ Жаноб Туркистон генерал губернаторининг аъламномаси ушбудири // “Туркистон вилоятининг газети”, 1898 йил 6 июль.

³⁰ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – 400 б.

³¹ Saidov Kh. Jadidism (Enlightenment) – a new movement. However, in relation to which movement (s) is it new? // The European Journal of Psychology of Education (EJPE). Published online. January, 2020. – P.263-269.

³² Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 108–120.

1946–1956, 1956–1985, 1986–1991 йилларни ўз ичига олади³³. Албатта, бундай бўлинишнинг ўзига хос сабаблари мавжуд.

Биринчи босқичда большевиклар партияси сиёсатига қарши бўлган матбуот нашрларини бартараф этиш чоралари кўрилган. Масалан, большевиклар ҳокимиятни эгаллагач (1917 йил 25 октябрь), эртаси кунлик Россияда чоп этиладиган “Речь”, “День” каби йирик оппозицион газеталар ёпилган. Бу ҳаракат натижасида ахборот ва фикр билдириш бир қолипга солина бошланади, жамиятда большевикларга нисбатан катта эътирозларни келтириб чиқарди. Шундай бўлса-да, янги ҳокимият матбуотга бўлган назоратни кучайтирди, хусусан, 1918 йилдан матбуотнинг инқилобий трибунали иш бошлади³⁴, ёпилган газеталар ўрнига янгилари чоп этила бошланди. Жумладан, Москвада 1918 йилнинг 27 мартдан “Беднота” газетаси босмадан чиқди³⁵. Туркистонда ҳам шу тенденция кузатилди. Масалан, “Хуррият” ўрнига “Камбағаллар товуши”³⁶ газетаси чиқарила бошланди.

Муваққат ҳукумат даврида ташкил этилган аксар газета ва журналлар ёпилиб, уларнинг ўрнида большевиклар сиёсатига хизмат қиладиган, ҳокимият қарорлари ҳақида фақат ижобий ахборот тарқатадиган, большевиклар партиядан бошқасини танқид қилишга мўлжалланган нашрлар чоп этила бошланди. Бу ҳақида жаҳид зиёлилари вакиллари ҳаққоний маълумотларни қолдиришгани тадқиқотимиз жараёнида аниқланди³⁷.

Ленин даврида миллий газеталаримизда фаолият кўрсатган зиёлиларимиз нашрлар раҳбарлигидан четлаштирилган бўлса, Сталин даврида улар қамоққа олинган, баъзилари қатл этилган. “Қизил Ўзбекистон” газетасида берилган “Абдулла Қодирий “Жулқунбой”нинг жиноят иши”³⁸ хабари фикримизга далилдир. У Қодирийнинг қамоққа олинганлиги ва бу совет ҳокимиятини танқид қилишнинг оқибати нима бўлишини кўрсатиб қўйиш ҳақидаги хабар эди. Мазкур иккинчи босқич даври 1926–1940 йилларни ўз ичига олиб, большевиклар партиясининг ОАВга босими ўсиши билан тавсифланади. Матбуотнинг асосий вазифаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш эканлиги ҳукумат томонидан ОАВ раҳбарларига сингдирилган³⁹.

³³ История советской журналистики. Электронный ресурс: <https://literaguru.ru/istoriya-sovetskoj-zhurnalistiki/>. Дата обращения: 12.08.2020.

³⁴ История советской журналистики. Электронный ресурс: <https://literaguru.ru/istoriya-sovetskoj-zhurnalistiki/>. Дата обращения: 12.08.2020.

³⁵ «Беднота» — советская ежедневная газета для крестьян. Электронный ресурс: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Беднота_\(газета\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Беднота_(газета)). Дата обращения: 12.08.2020.

³⁶ Муин Х. Самарқанд матбуотининг тарихи // “Зарафшон” газетаси, 1923 йил 5 май.

³⁷ Авлоний А. Бурунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи // “Туркистон” газетаси, 1924 йил 21 июнь.; Муин Х. Самарқандда матбуот аҳволи // “Зарафшон” газетаси, 1922 йил 23 октябрь, 3 ноябрь.; Муин Х. Самарқанд кизил ўзбек матбуоти // “Зарафшон” газетаси, 1924 йил 21 июнь.; Муин Х. Хидматга тухмат // “Зарафшон” газетаси, 1922 йил 21 июнь.

³⁸ Ғозиев И. Абдулла Қодирий “Жулқунбой”нинг жиноят иши // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1926 йил 16 май.

³⁹ История советской журналистики. Электронный ресурс: <https://literaguru.ru/istoriya-sovetskoj-zhurnalistiki/>. Дата обращения: 12.08.2020.

Иккинчи босқич даврида машъум қатағонлар (1937–1938) ўтказилган, сургун қилингани ҳақида бугун ҳамма билади. Лекин у пайтда партиянинг қаттиқ цензураси ўрнатилгани сабаб матбуотда ҳам, радиода ҳам қатағонлар ҳақида ўзбек тилида бирорта ахборот берилмаган. “Қизил Ўзбекистон” газетаси саҳифаларида съезд ва бошқа мажлислардаги катта ҳажмдаги нутқлар чоп этилган холос. Унинг рус тилидаги кўриниши, яъни аслида эса “Ўзбек халқининг душманлари”⁴⁰, “Хоинларга ўлим”⁴¹ каби уюштирилган мурожаатлар берилган.

Тадқиқот жараёнида бу даврнинг очилмаган саҳифалари кўплиги маълум бўлди. Жумладан, ўзбек зиёлилари томонидан ёзилган журналистика назариясига оид “Мухбирларга таълимот” (1923), “Мухбирга ёрдам” (1927), “Мухбирлар йўлдоши” (1927) каби дастлабки адабиётлар деярли ўрганилмаган. Уларни таҳлил этиш нафақат мазкур иш, балки миллий журналистика тарихи ва илми учун ғоят аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, Анқабойнинг “Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари”⁴² рисоласидаги “Хабар ва мақолани қандай ёзиш керак” деб номланган боби тадқиқотимиз учун аҳамиятлидир. Унда хабар нима, уни қандай ёзиш керак, ахборотни қайта текшириш, хабарчи масъулияти ҳам назарий жиҳатдан кўрсатиб берилган.

Учинчи босқич 1941–1945 йилларда бўлиб ўтган иккинчи жаҳон уруши даврини ўз ичига олади. Бу фурсатда барча ОАВ урушга, жасоратга ундовчи қуролга айлантирилди. Кўплаб фронт газеталари, жумладан, ўзбек тилида ҳам очилди⁴³. Уларда турли жанрлар қаторида ахборотларга ҳам жой ажратилди. Лекин ахборотларнинг ҳаммаси ҳарбий ҳолат қоидалари бўйича назорат остида чоп этиларди.

Навбатдаги босқич 1946 йилдан бошланиб 1956 йилгача давом этади. Журналистика мафкураининг исканжасида бўлиб, унда бир томонлама ахборотлар берилар, партия топшириқларига эътибор қаратиларди⁴⁴.

Бешинчи босқич 1956–1985 йилларни ўз ичига олиб, бунда Сталин ўлимидан кейинги шахсга сиғинишга қарши кураш журналистикага ҳам янги нафас олиб келгандек бўлди. Бироқ 80-йилларга бориб бу нисбатан эркинлик ҳам йўққа чиқди. Албатта, фикр айтиш тўхтаб қолгани йўқ, бироқ улар рамзларга ўраб берилди бошлади. Бироқ шаклан қисқаликка риоя қилинадиган ахборот жанрларида бунга имконият йўқ эди.

Олтинчи босқич, яъни 1986 йилда бошланган “қайта қуриш” муносабати билан бироз яккамафкура цензураси юмшаган бўлса-да, унинг фаолияти СССР парчалангунча давом этди. Бироқ журналистлар имкон доирасида ўз фикрларини турли хил йўллار билан чоп этишар ва бу тоталитар назария қоида-сига кўра уларнинг келажак фаолиятига салбий таъсир ўтказарди.

⁴⁰ “Правда Востока” газетаси, 1937 йил 4 октябрь.

⁴¹ “Правда Востока” газетаси, 1938 йил 5 март.

⁴² Анқабой. Хабар, мақола, шеър ва ҳикоя ёзиш йўллари. – Т.: 1927.

⁴³ Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи (Миллий истиқлол даври). Иккинчи жилд. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 53.

⁴⁴ История советской журналистики. Электронный ресурс: <https://literaguru.ru/istoriya-sovetskoj-zhurnalistiki>. Дата обращения: 12.08.2020.

Диссертациянинг “**Жамиятнинг демократлашувида ахборот жанрлари имкониятлари**” деб номланган учинчи бобида янгиликлар ахборот жанрларининг асоси эканлиги, жанр концепцияси, тузилмаси, турлари, шунингдек, репортаж, ҳисобот, интервью ва бошқа ахборий жанрларнинг ўзига хосликлари таҳлил қилинган.

Дунёнинг ҳар бир нуқтасида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳеч бирини қолдирмай халққа етказиш жуда мушкул. Бугунги оммавий ахборот воситалари бу воқеа-ҳодисаларнинг энг аҳамиятли, энг қизиқарлисини танлаб чоп этиш, эфирга бериш, интернет сайтлари орқали тарқатишга ўтди. Яъни, хабарлар “муҳим” ёки “муҳим эмас”га ажралди. Журналистика соҳасига эса муҳим хабарни англатадиган янги атама кириб келди. У ЯНГИЛИКЛАР дея номланди. Бугун дунё оммавий ахборот воситаларида янгиликнинг мавқеи жуда юкори.

Инглиззабон давлатларда янгилик деганда уларни инглиз тилида чоп этиладиган газеталар, телерадио янгиликлар дастурлари ва сайтлар назарда тутилади. Икки тилда ҳам ўзак битта, яъни ўзбекча *янгиликларда янги*, “*news*”(янгиликлар)да эса *new* (янги)дир.

Бугун дунёда *news* атамаси соф оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ атамага айланган. У журналистикадаги барча жанрлар асоси сифатида ҳам тан олинган. Ўзбекистонда эса мустақилликка эришилгач бунга замин яратила бошланди. Хусусан, бир гуруҳ ўзбек журналистларининг Ҳиндистон оммавий коммуникациялар институтида ўқишлари бошлаб берди. Шу таҳсил натижаси ўлароқ, журналист Фахриддин Низомовнинг тадқиқот мақоласи вужудга келди⁴⁵.

Ўзбекистон бозор иқтисодига асосланган демократик эркин жамият куришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу мақсаддан келиб чиққан Ф.Низомов тадқиқотида оммавий ахборот воситаларининг, шунингдек, журналистика илми олдига мантиқли саволларни қўйиб, бу борада дунё журналистикаси тажрибаларини ўрганиш зарурлигини таъкидлади.

Ана шу тажрибалар натижаси ўлароқ 1999 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таркибида очилган халқаро журналистика факультети ўқув режасига “Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати” фани илк бора асосий фан сифатида киритилди, таълим стандарти, ўқув дастури ишлаб чиқилган, маъруза матнлари яратилди⁴⁶.

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчилари томонидан “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти” ўқув қўлланмаси чоп этилди⁴⁷.

Ривожланган ва ривожланаётган демократик давлатлар матбуотида “янгиликлар” махсус илм даражасида ўрганилган, китоблар, қўлланмалар, дарсликлар яратилган⁴⁸.

⁴⁵ Низомов Ф. Янгилик нима, информация-чи? // Тафаккур. – 1997. – № 2. – Б. 6-10.

⁴⁶ Саидов Х. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. – Т.: Маърифат-мадаккор, 2002. – Б. 64

⁴⁷ Ирناзаров Қ.Т., Мамадова Я.М., Тошалиев И.Э. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗМУ, 2002. – 200 б.

Америкалик муҳаррир Чарлз А.Дананинг “Жамиятнинг катта қисми учун қизиқарли бўлган ва ҳеч қачон уларнинг эътиборига тушмаган ҳар қандай нарса янгиликдир”, деган фикри Фарб журналистикасида янгиликларга берилган таъриф ҳисобланади⁴⁹.

Фарб журналистикаси назариётчилари фикрига кўра янгиликлар *ким, нима, қаерда, қачон, нега* ва *қандай қилиб* – жами олти саволга жавоб бериши лозим. “Янгилик ёзишнинг асосий формуласи... беш W ва бир H билан бошланадиган саволларга жавоблардир”⁵⁰. Бунда инглизча “Who (ким), What (нима), Where (қаерда), When (қачон), Why (нега)” ва “How”(қандай қилиб) саволлари назарда тутилмоқда.

Ўзбек ва рус олимлари эса учта: “нима, қаерда, қачон” каби саволларга жавоб беришини таъкидлашади⁵¹. Фикримизча, олти саволга жавоб берадиган янгиликлар шаклини қабул қилишимиз афзалроқдир.

Тадқиқотда янгилик концепцияси ишлаб чиқилди. Янгилик – бу яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ҳодиса ёки фикр ҳақидаги ахборот.

Репортаж, ҳисобот, интервью ахборот жанрларининг асосий турлари ҳисобланади. Репортаж латинча “*reportare*” сўзидан олинганлиги бир неча давлатнинг изоҳли луғатларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон манбасида “Репортаж [*фр. reportage* *ингл. report* – *хабар бермоқ, хабардор қилмоқ*] воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказиш; шундай хабарнинг ўзи” тариқасида берилган⁵². Хориж манбаларига мурожаат қиламиз.

“Late Middle English from Old French *reporter* (verb), *report* (noun), from Latin *reportare* ‘bring back’, from *re-* ‘back’ + *portare* ‘carry’. The sense ‘give an account’ gave rise to ‘submit a formal report’, hence ‘inform an authority of one's presence’ (*report* (sense 2 of the verb), mid 19th century) and ‘be accountable to a superior’ (*report* (sense 3 of the verb), late 19th century)”⁵³.

Таржимаси: эски французча репортёрдан ўрта инглизча (феъл), ҳисобот (от), латинча *reportare* “қайтармоқ”, “қайтармоқ” + *portare* “олиб бормоқ”. Мазмуни “ҳисобот бермоқ”, “расмий ҳисобот тақдим қилмоқ”, ўз-ўзидан, “юқори ташкилотга ўз иштироки ҳақида маълумот бермоқ” (ҳисобот (2-феъл

⁴⁸ Conrad C.Fink. Introduction to professional newswriting. Second revised edition. – USA: Longman Publisher, 1998. – 462 p.; Shrivastava K.M. News reporting and editing. Second revised edition. – India: New Delhi, 1991. – 272 p.; Fred Fedler, John R.Bender, Luchinda Davenport, Paul E.Kostyu. Reporting for the Media. Sixth Edition. – USA: Harcourt Brace & Company, 1997. – 615 p.; John R. Bender, Lusinds D. Davenport, Michael W.Drager, Fred Fedler. Reporting and writing for the media. Eleventh edition. – New York: Oxford University Press, 2016. – P 17.

⁴⁹ Carole Rich. Writing and Reportig News. A Coaching method/Second Edition. – USA: Wadsworth Publishing Company, 1997. – 610 p.

⁵⁰ Hiley H.Ward. Professional newswriting. – USA: Harcourt Brace Jovanovich Publishers, 1985. – P.22.

⁵¹ Бу ҳақда қаранг: Қосимова Н. ва бошқ. Босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари учун қўлланма. – Т., 2008. – Б. 45.; Ким М.Н. Новостная журналистика: Учебник. – Санкт-Петербург: Изд.Михайлова В.А., 2005. – С. 251.

⁵² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н-Тартибли/Тахрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 378.

⁵³ Report | Definition of Report by Oxford Dictionary on Lexico.com. Electronic resource: <https://www.lexico.com/en/definition/report>. Access date: 12.08.2020.

мазмунни), 19-аср ўртаси) ва “ўз бошлиғи олдида жавобгар бўлмоқ” (ҳисобот (3-фeъл мазмуни), 19-аср охири).

Репортаж сўзи Англия манбасида “*reportage*” тариқасида ёзилса-да, репорт сўзига қараш кераклиги уқтирилади⁵⁴: “report – Early 17th century French, from Old French reporter ‘carry back’ ”⁵⁵, яъни репорт – 17-аср боши француз тили, эски французча репортер – “олиб қайтмоқ” сўзидан.

АҚШ ОАВ луғатида “*reportage* The production of a documentary program”⁵⁶, яъни ҳужжатли дастур маҳсулотини” тариқасида ёзилган.

Инглиз изоҳли луғатида эса унинг уч хил маъноси мавжудлигини кўриш мумкин: *n. 1 describing of events, especially the reporting of news etc. for the press and for broadcasting. 2 the typical style of this. 3 factual presentation in a book etc.*”.

Эътибор берилса, уларнинг аввалги иккитаси журналистик фаолиятга доир бўлиб, мавзуимизга тааллуқлиси *воқеа-ҳодисалар тасвири, айниқса, матбуот ёки радиотелевидение учун янгиликлар ёритилиши* мазмунида берилгани кўринади.

Россия манбасида ҳам бу сўзга изоҳ мавжуд. “Репортаж, -а, м. 1. Сообщение о местных событиях дня, информация (в печати, по радио, телевидению)”⁵⁷.

Берилган изоҳларни ўзаро қиёслаб уларга биргина қўшимча қилиш мумкин. Яъни, бу изоҳлар интернет яратилгунга қадар ёзилганлигини ҳисобга олиб, уни “Репортаж – воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение ва интернет сайтлари орқали тезкор хабар етказиш” тариқасида тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисобот, баъзилар наздида, умрини яшаб бўлган, яъни у собиқ шўро матбуотидан қолган жанр ҳисобланади. Аввало ҳисобот шўролар давригача ҳам мавжуд эди⁵⁸. Қолаверса, репортаж асли ҳисоботдан келиб чиққанлигини Гарб мутахассислари таъкидлашган⁵⁹. Асосийси, журналистика тажрибасида шундай фурсатлар бўладикки, бўлиб ўтган воқеа тафсилотларини янгиликларда, яъни қисқа сатрларда ёзишнинг имкони бўлмайди. Худди шу фурсатда ҳисобот жанри “ишга тушади”. Демак, ҳисобот ахборот жанрлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унинг вазифасини бошқа жанрлар бажара олмайди.

Ахборот тарқатишда интервью жанри бетакрор мавқега эга. Интервьюнинг луғавий маъноси ўзаро суҳбат, суҳбатлашишдир. Инглиззабон аҳоли интервью олувчи деганда фақат матбуот вакилини эмас, ташкилот ёки корхоналар мутасаддиларини ҳам тушунадилар⁶⁰.

⁵⁴ The Concise Oxford Dictionary. Oxford fourth Impression. Oxford University Press, 1993. – p. 1020.

⁵⁵ Reportage | Definition of Reportage by Oxford Dictionary on Lexico. Electronic resource: <https://www.lexico.com/en/definition/reportage/> Access date: 12.08.2020.

⁵⁶ Terry Ellmore R. Mass Media dictionary. – USA: Lincolnwood, Illinois, 1992. – P. 499.

⁵⁷ РЕПОРТАЖ Толковый словарь Ожегова онлайн. Электронный ресурс: <https://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=27015>. Дата обращения: 12.08.2020.

⁵⁸ Стрельцов Б.В. Основы публицистики. Жанры: Учеб. Пособие. – М.: Университетское, 1990. – 240 с.

⁵⁹ Report | Definition of Report by Oxford Dictionary on Lexico.com. Electronic resource: <https://www.lexico.com/en/definition/report>. Access date: 12.08.2020.

⁶⁰ The Concise Oxford Dictionary. Oxford fourth Impression. Oxford University Press, 1993. – P. 610.

“Интервью – журналистикада ахборот олишнинг асосий усулидир”, деган эди ҳиндистонлик профессор К.М.Шривастава⁶¹. АҚШда чоп этилган “Оммавий ахборот воситалари луғати”да ҳам шу мазмунда тушунча бор: “Интервью – бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаши ва топиши жараёни”⁶².

Бироқ журналистикада интервью номи билан аталадиган жанр ҳам мавжуд. Интервьюнинг биринчи мақсади – оммага ахборот бериш, шу билан бирга ўқувчиларга навбатдаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги вазифалар ҳақида ҳам маълумот тарқатишдан иборат. Ўқувчига илгари маълум бўлган далилни янада батафсил тушунтириш ҳам интервью жанрининг вазифаси ҳисобланади.

Албатта, бу савол-жавобларда маълум маънода таҳлилий жанрлар элементлари ҳам намоён бўлади. Яъни, журналист савол беради, суҳбатдош жавоб беради. Жавоб тушунарсиз бўлса ёки тўлиқ бўлмаса, журналистнинг “нега, қандай қилиб” каби саволлари пайдо бўлади. Шу ўринда бугунги МДХ давлатлари журналистика илмига янги-янги атамалар, аниқроғи “ахборий интервью” ва “таҳлилий интервью” атамаси кириб келганлигини таъкидлаш жоиз⁶³. Суҳбат жанрида таҳлил бўлса-да, уларни бир вақтда ўрганган маъқул.

Мазкур интервьюларнинг барчаси учун умумий қоидалар мавжуд. Аввало, интервьюга журналист пухта тайёргарлик кўриши лозим. Албатта, ҳар бир интервьюда бош мақсад – мавзу белгилаб олинади. Мухбирнинг касбий вазифаларидан бири интервью саволларига жавоб берадиган муносиб шахсни танлашдир⁶⁴. Унинг иш фаолиятига оид, агар мавзуга тааллуқли бўлса, шахсий ҳаёти билан боғлиқ ахборотларни журналист топиб ўрганиши суҳбат жараёнидаги бекорчи савол-жавобларнинг олдини олади. Қолаверса, танланган мавзу бўйича саволлар тузишда ҳам асқатади.

Ижод ранг-баранглиги ва ўзига хослиги учун журналистикага “интервью-ахборот”, “интервью-анкета”, “матбуот сўрови” каби янги турлар ҳам кириб келди⁶⁵. Улардан унумли фойдаланиш чораларини қўллашимиз олдимизда турган вазифаларни англатади.

Диссертациянинг **“Ахборот жанрлари тараққиётининг ҳуқуқий омили”** деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон қонунларида ахборот олишни ҳуқуқий кафолатловчи бандларнинг жанрлар тараққиётига таъсири, нашрлар ахборот сиёсатининг асосий принциплари шарҳланади.

Демократиянинг энг асосий жиҳати ҳисобланган ахборот олиш, тарқатиш, албатта, ҳар қандай демократик давлатда қонунлар билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида қайд этилишича: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга,

⁶¹ Shrivastava K.M. News reporting and editing. Second revised edition. - India: New Delhi, 1991. – P.26.

⁶² Terry Ellmore R. Mass Media dictionary USA. М.: Рус. яз., 1992. – 668 p.

⁶³ Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 312 с.; Ким М.Н. Новостная журналистика: Учебник. – Санкт-Петербург: Изд.Михайлова В.А., 2005. – С. 249. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – 236 б.

⁶⁴ Мельник Г. Общение в журналистике: секреты мастерства. 2-е изд., перераб. – СПб.: Питер, 2008. – С.31.

⁶⁵ Ким М.Н. Новостная журналистика: Учебник. – Санкт-Петербург: Изд.Михайлова В.А., 2005. – С. 251.

амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”⁶⁶.

Конституциядаги бу ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, жумладан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида⁶⁷, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида⁶⁸ кенгроқ изоҳланган.

Ахборот эркинлиги ва журналистлик фаолиятини ҳимоя қилишга оид бир неча қонун қабул қилинса-да, матбуот эркинлигига эришиш тажрибалари тўсиққа дуч келди. Тадқиқотимиз қонунларнинг саволли жойлари ҳам оз эмаслигини кўрсатди.

Масалан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг “Журналист текшируви” деб аталган 9-моддасидаги, яъни “...Журналист ўз текширувларининг натижаларини ...давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин”, деган бандларидан воз кечиш лозим.

Таҳлиллардан кўринадики, журналистнинг ахборот олишдаги ҳуқуқий эркинлиги амалда таъминланмасдан туриб ахборот жанрлари ривожига эришиб бўлмайди. Демак, қонунлар такомиллаштирилиши, журналистлар билан бир қаторда раҳбарларнинг дунёқараши, амаллари қонунга мувофиқ бўлиши давр талабидир.

Ҳар бир нашрнинг ўз ахборот сиёсати мавжуд. Албатта, журналистнинг таҳририятдаги фаолияти жараёнида унга касбий ҳамда функционал талаблар қўйилади. Функционал нуқтаи назардан журналист, жумладан, хабарчи, мухбир, шарҳловчи каби вазифаларни бажариши мумкин. Бунда таҳририят фаолиятининг меъёр ва қоидалари асосида функционал гуруҳ томонидан журналистик маҳсулотни ишлаб чиқишга йўналтирилган тузилма ташкил этилади ва унинг ижроси таъминланади.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилган “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятининг тузилмаси фикримизга асос бўлади⁶⁹. “Маърифат” газетаси Низомидаги “Таҳририятнинг мақсади ва вазифалари” деб номланган 2-моддасида мазкур йўналишлар кўрсатилган⁷⁰.

Яна бир ўзига хослик шундаки, юқорида таъкидланган тузилма мазкур тадқиқот доирасида демократик давлатлар матбуоти тажрибасидан фойдаланиб, ишлаб чиқилган. Газета даврийлиги ҳисобга олиниб, бўлимлар ижодий ходимларининг асосий фаолияти янгиликларга қаратилган. Тоталитар матбуот назарияси талаблари онг остига сингдирган бошқарув

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Электронный ресурс: <http://www.lex.uz/acts/20596>. Дата обращения: 12.08.2020.

⁶⁷ “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Электронный ресурс: <http://lex.uz/docs/9540>. Дата обращения: 12.08.2020.

⁶⁸ “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Электронный ресурс: <http://lex.uz/docs/1319>. Дата обращения: 12.08.2020.

⁶⁹ “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятининг тузилмаси (таҳририятда сақланмоқда).

⁷⁰ “Маърифат”-“Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятининг Низоми (таҳририятда сақланмоқда).

асосида ишлаб келаётган журналистлар эътибори “ҳамма нарса ҳақида умумий гап”лардан амалга оширилаётган аниқ янгиликларга қаратилган.

Диссертациянинг **“Репортёр фаолияти самарадорлигини оширишда ихтисослашув, ижод ва таҳрир маҳоратининг ўрни”** деб номланган бешинчи бобида ахборот жанрларига ихтисослашув ва журналист маҳорати масалалари, таҳрирнинг ўзига хосликлари таҳлил қилинган.

Ахборий жамият матбуоти назарияси талабларини бажаришда журналист ихтисослашуви, маҳоратини ошириш масалалари биринчи ўринга чиқади. Масалан, “Обод маҳалла” дастури асосида янгиланиши мўлжалланган маҳаллалардаги “снос”лар масаласида жамоатчилик орасида жиддий норозилик келиб чиқишига журналистларда ҳам камчилик етарли. Бундай ҳолат юзага келмаслиги учун мавжуд қарор ва дастурлар моҳияти атрофлича ўқиб-ўрганилиши, ижро ҳокимиятидаги мутасаддилар саволга тутилиб, муаммоларга ойдинлик киритилиши, бунинг учун эса журналистларнинг ихтисослашуви зарур эди. Бундай ихтисослашувни ҳуқуқий ва иқтисодий билимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳозирги глобаллашув асрида ҳар бир нашрнинг эътибор топиши таҳририятда ижодий муҳитнинг қай даражада яратилганига боғлиқ. Ижодий муҳит яратиш ходимларни ишга қабул қилишдан бошланади. Аммо журналистика факультетини тамомлаган ёки қўлида дипломи бор ҳар қандай мутахассис билан шартнома тузавериш доим ўзини оқламайди. Шундай экан, муҳаррир янги ходимни ишга олаётганида бир неча омилларга эътибор қаратиши талаб этилади. Ёш ходимларнинг ҳаммаси ҳам ижодий жараёнга тезда киришиб кетиши қийин. Шу боис раҳбар уларга яқиндан кўмак бериши лозим. Зарурат туғилса, йўналиши ҳисобга олиниб, уларни қайта ўқитиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ёш ходимларни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан мунтазам қўллаб-қувватлаб туриш унга мотивация беради.

Ёш журналист қизиқадиган соҳанинг ўзига хосликлари, ютуқ ва муаммоларини англаб олишга ёрдам беришда унинг ижодий режасини туздириш, режада даврнинг долзарб масалаларини киритиш, ахборот олишга кўмаклашиш, ёзиш жараёнидан бохабар бўлиш, чоп этиш жараёнида иштирокини таъминлаш, мақола эълон қилингач муносиб баҳо бериш, моддий қўллаб-қувватлаш ўта муҳимдир.

Ёши улуғ журналистларни ихтисослаштиришнинг мураккабликлари мавжуд. Энг яхши йўл – кадрларни талабалиги пайтиданоқ тарбиялаш. Бунинг учун таҳририят раҳбарлари вақти-вақти билан талабалар билан учрашувлар ўтказиб, ўз нашини тарғиб этиши, бўлажак касбига қизиқадиганларни ижодий ҳамкорликка жалб этиши зарур. Таҳририят қошида маҳорат мактабларининг ташкил этилиши ёш кадрларни тарбиялашда қўл келади. Биринчидан, ушбу маскан талабалардаги иккиланиш ва хавотирни енгиб ўтишга, иккинчидан, мавзулар билан танишишга замин яратади. Шундан кейингина ёш журналист бирор бир соҳага ихтисослаша бошлайди.

“Маърифат” газетаси таҳририятида ташкил этилган “Маҳорат мактаби”ида ЎзМУ, ЎзДЖТУ журналистика факультетлари талабалари

таниқли қалам аҳли – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар, “Энг улуғ, энг азиз”, “Йилнинг энг фаол журналисти” танловлари, “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари мактабларида таҳсил олдилар. Бунда талаба тегишли ижодкорнинг ёзган энг машҳур публицистик асарларини ўқиди, учрашди, саволлар бериб, муаллифнинг ижодий лабораториясига оид маълумотлар билан танишди ва хос жиҳатларини ўзлаштириб, ўз услубини яратишга ҳаракат қилди.

“Мазкур маҳорат мактабида нималарни ўргандингиз?” саволи билан тингловчилар ўртасида махсус сўровнома ўтказилди. Жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, талабалар амалиёт ва ижодий жараён билан яқиндан танишишган; имло қоидалари, тузатиш белгилари, таҳрир жараёнидан амалда хабардор бўлиш ва бунинг учун мунтазам ўқиш керак эканлигини тушуниб етишган; янгилик ёзиш, сарлавҳа қўйиш амалиётини ҳам маҳорат мактабида мустақамлашган; муаммони аниқлаш, ўрганиш, уни ёритишда журналист жасорат, сабр каби хислатларга эга бўлиши ва бу даражага чиқиш учун мунтазам ёзиш зарурлигини англаб етишган.

Ахборотлар уммонидан янгиликни ажрата билиш, яъни аҳамиятлисидан аҳамиятсизини фарқлаш учун журналист маълум соҳа ёки йўналишларга ихтисослашиши даркор.

Ахборий жамият матбуоти назариясида ахборот жанрларининг таҳрири масаласи ҳам диққат-эътиборни талаб қилади. Сўз масбулияти, сўзни ҳис қилиш талаблари ахборот жанрларида яққол кўринади. Сўзнинг маъносини яхши билган, сўзни ҳис қилган журналист фикрни қисқа, лўнда ва жозибадор баён қилади. Бундай маҳоратга тинимсиз ўқиш, изланиш, ёзиш, қайта-қайта таҳрир қилиш натижасида эришилади.

Албатта, таҳрирни ҳам жанр хусусиятларига кўра турларга бўлиш мумкин. Ахборий матнлар таҳрири бўйича муайян тадқиқотлар ҳам амалга оширилган⁷¹. Ҳиндистонлик профессор К.М.Шривастава янгилик ёзиш билан таҳрир меҳнатини бир даражага қўяди. Бу унинг бир неча бор қайта нашр этилган дарслигининг номланишида ҳам акс этган⁷².

Сўзни нотўғри қўллаш жумланинг ғализ чиқишига эмас, балки маънонинг бузилишга ҳам олиб келади. Сурхондарёлик нуроний Номоз Жумаев ўз маҳалласидаги 35 та футбол майдонига тенг бўлган чўл худудни ўрмонга айлантиргани тўғрисидаги янгилик матнига “Сахро ишғолчиси”⁷³ дея сарлавҳа қўйилган. Аслида Номоз Жумаевга ўхшаган кишилар “сахро ишғолчиси” эмас, балки чўлкувар дейилади⁷⁴.

⁷¹ Тоҳиров З.Т. Таҳрир мантики. – Т.: O‘zbekiston, 2016. – 240 б.; Кадр. (Тузувчи Саидов Х.). – Т.: Маънавият, 2009. – 160 б.; Тўхлиева Н. Кичик матнда катта когнитив имкониятнинг ифодаланиш усуллари // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2006. – № 4. – Б. 69-72.; Черникова Елена. Литературная работа журналиста. Учебник.– Москва: Гардарика, 2007. – 187 с.

⁷² Shrivastava K.M. News reporting and editing.-Second revised edition. India: New Delhi, 1991. – 272 p.

⁷³ Макаренко Н. Сахро ишғолчиси.Электрон ресурсы: <https://www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/>. Мурожаат санаси: 12.08.2020.

⁷⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ИВ.Тартибот – Шукр/Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 524.

Мухаррир таҳрир давомида мухбирнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далилларини, ёзиш услубини бузмаслиги (агар у яхши бўлса), қисқаси унинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи лозим. Агар матнда ноаниқлик ёки фикрни баён этишда ғализлик сезилса, уни бартараф этиши зарур⁷⁵.

Ахборот жанрлари таҳрири ахборот сифатига таъсир қиладиган омилдир. Бунда муҳаррирдан кенг дунёқараш, синчковлик, саводлилик каби катор бошқа сифатлар талаб этилади.

ХУЛОСА

«Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари» мавзусидаги филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Туркистонда миллий газеталар пайдо бўлгунга қадар матбуотнинг авторитар назарияси ҳукм сурди. Бу ҳол мустамлакачилик сиёсатидан четга чиқмаслик, хусусан, императорни олқишлаш, маҳаллий халқни мутеликда сақлаш, озодлик учун ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш, арзон ишчи кучидан фойдаланган ҳолда кўпроқ хом ашё етиштириб, Россияга жўнатиш каби манфаатлардан келиб чиқиб ёзилган хабар ва ҳисоботларда ўз ифодасини топди.

2. XX аср бошида фаолият юритган жаҳид матбуоти амалиётида матбуотнинг либертариан назарияси тамойиллари устувор ақидага айланди. Ахборот тарқатишнинг мақсади мазлум халқни дунёда бўлаётган воқеалардан огоҳ этиш, кенг оммани сиёсий-маънавий салоҳиятини юксалтириш, маърифат тарқатиб, ривожлантириш ва мустақилликка эришишга қаратилган. Маърифатпарвар (жаҳид) журналистлар ва муҳаррирлар халққа ҳақиқий ахборот тарқатишни озодлик ғоясини тарғиб этиш билан тенг кўришган.

3. Матбуотнинг совет тоталитар назарияси ахборотни яширишдек номақбул ва ғайритабиий тажрибани анъана, тизим даражасига кўтарди, шакллантирди. Янгиликни холис ва тезкор тарқатиш аҳамиятидан воз кечилди, барча саъй-ҳаракатлар якка мафкура манфаатларига бўйсундирилди, бу йўлни маъқул кўрмаган кўплаб журналистлар қатағон қилинди. Ахборотни халқдан яшириш, оммани кўрқув исканжасида сақлаш охир-оқибатда салтанатнинг муқаррар таназзулга учраши билан ниҳоя топди. Миллий журналистикамизнинг илғор вакиллари мураккаб шароитда ҳам ўз фаолиятлари билан матбуотнинг соғлом назариясини яратиш йўлларини излашга ҳаракат қилдилар.

4. Демократик принципларга асосланган ҳолда миллий тикланишдан миллий юксалиш сари тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон тараққиётида ОАВ “Ахборий жамият матбуоти назарияси” асосида фаолият кўрсатиш учун барча шароит ва имкониятлар етарлидир, йўналиши ва мулкый

⁷⁵ Хуршид Дўстмуҳаммад. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 64 б.

муносабатларидан қатъий назар оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада мустаҳкамлаш йўлидан бориш талаб этилади.

5. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзини-ўзи бошқариш тизимини йўлга қўйиш ва уни такомиллаштириш (жамоатчиликни жалб этиш ҳамда касб ахлоқи кодекслари ёрдамида) зарур.

6. Журналистикага ихтисослашган олий таълим муассасалари ўқув дастурларига “Ахборий жамият матбуоти назарияси” фанини киритиш, шу билан бирга аҳолининг барча қатламига (жумладан, раҳбар кадрлар, давлат хизматчиларига), кенг оммага ушбу назария талаб ва қоидаларини тушунтира бориш, таълим муассасалари тизимига медиатаълим, шунингдек, замонавий ахборот маданияти ва унинг энг муҳим хусусиятларига доир билимлар мажмуасини жорий этиш ҳамда оммалаштириш билан халқ журналистикасининг тезкорлик, дадиллик сингари илғор хусусиятларини профессионал даражага кўтариш ўта муҳимдир.

7. Янгилик – бу яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ҳодиса ёки фикр ҳақидаги ахборотдир. Ахборот уммонидан янгиликни ажрата билиш, уни қисқа, лўнда, тушунарли, таъсирли ёзиш ҳамда тезкор тарқатишдек ижодий маҳорат талаблари соҳада ихтисослашувни тақозо этади.

8. Репортаж, ҳисобот, интервью ва бошқа ахборот жанрлари турлари шакли, ифода тарзи, оҳанги билан бир-биридан фарқланади, бир-бирини бойитади, шу хусусиятлари билан оммавий ахборот воситалари саҳифалари ранг-баранглигини таъминлайди, жозибадорлигини оширади, энг муҳими, аудиториянинг тўлиқ ва муфассал бохабар бўлишини таъминлайди.

9. Ахборий жамият матбуотини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш учун таҳририятлар, уюшмалар, марказлар шафеълигида малакали муҳаррир кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, ахборот ёзувчи ва тарқатувчи журналистларимиз учун кундалик фаолиятда зарур бўлган энциклопедик характердаги манбалар, маълумотномалар, луғат-қўлланмаларни янгилаш зарурдир.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ ЖУРНАЛИСТИКИ И МАССОВЫХ
КОММУНИКАЦИЙ УЗБЕКИСТАНА**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ**

САИДОВ ХАЛИМ АМАНОВИЧ

**ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ЖАНРОВ В
ПРОЦЕССЕ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА**

10.00.09 – Журналистика

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора (DSc) филологических наук**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора (DSc) наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (uswlu.uz) и в информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Досмухамедов Хуршид Набиевич
доктор филологических наук

Официальные оппоненты:

Худойкулов Мухтор
доктор филологических наук, профессор

Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук, профессор

Муминова Фатима Иззатуллаевна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:


Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбек


Защита диссертации состоится 10 мая 2021 года в 11.00 часов на заседании разового Научного совета при Научном совете PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01. при Университете журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана (Адрес: 100174, г.Ташкент, Центр – 5, д.88. Тел.: (99871) 207-09-06, e-mail: journalism.univer@gmail.com).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета журналистики и массовых коммуникаций (Адрес: 100174, г.Ташкент, Центр – 5, д. 88. Тел.: (99871) 207-09-06).

Автореферат диссертации разослан 5 мая 2021 года.
Протокол рассылки № 8 5 мая 2021 г.).




Ф.А.Муминов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор филологических наук, профессор


Н.Ф.Муратова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
кандидат филологических наук, доцент


К.Т.Ибразаров
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней доктор исторических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в период углубления процессов глобализации, стремительного обновления еще более усиливается необходимость в исследовании теории прессы средств массовой информации развитых демократических государств. Совершенствуются информационные жанры в публицистике, теории, модели, служащие для них основой, теория прессы нового информационного общества, ее влияние на развитие информационных жанров, факторы, принципы, концепция новостей. При предоставлении новостей если наряду с оперативностью в печатной форме средств массовой информации (СМИ) произошли изменения в подходах подачи события и явления кратким текстом, различными диаграммами, дополнительными сведениями и фотографиями с процесса, то в теле- и в качестве нового направления – интернет-журналистике стало популярно помимо описания информации собственным обозревателем также освещение той или иной новости непосредственными участниками события посредством фотографий, видео, сделанных на мобильных устройствах, слов и различных диаграмм, приложений. В радиожурналистике также расширяются интерпретации участников процесса синхронизации текста и способы визуальной передачи деталей. Применение достижений науки и технологий к деятельности СМИ привело к функциональным и морфологическим изменениям, сложность которых требует новых подходов.

В мировой практике особое значение приобретают научные исследования по свободной журналистике, структуре новостей, типам новостей, репортажам, интервью, отчетам, редактированию информационных жанров, источникам информации, специализации в журналистике. В этом аспекте поясняется необходимость находить новости в национальных газетах, средствах массовой информации, печатных изданиях, интернет-сайтах, объективно подходя к событию или явлению, писать его на понятном для народа языке, готовить к изданию, обучать студентов профильных образовательных учреждений процессу оперативного распространения, организовывать и использовать школы мастерства.

В нашей стране в последние годы придается большое значение приоритету свободы слова и демократических принципов. Сегодня Узбекистан вступил в новый этап своего развития. В настоящее время коренные реформы проводятся в сфере защиты интересов и прав государства и человека, в экономической и социальной сферах. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы⁷⁶ определены такие задачи, как «обеспечение реализации конституционных прав граждан на свободу слова и информации, усиление роли средств массовой информации в общественно-политическом и социально-экономическом развитии страны, создание для них равных

⁷⁶ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947 //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6.

условий на медиарынке, а также защита прав журналистов».⁷⁷ В формировании такого общества важное значение приобретают место деятельности средств массовой информации и распространяемая ими информация, теория прессы, проявление своеобразных особенностей информационных жанров в процессе их развития, демократизации, факторы воздействия информации на развитие государства и общества, вопросы геополитических интересов и информационной беспристрастности в мировом сообществе, анализ того, какие пути информации прошла национальная журналистика, понятие жанра в журналистике, определение специализации и проблем редактирования, служащих развитию данных жанров.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в законах Республики Узбекистан «О гарантиях и свободе доступа к информации», «О принципах и гарантиях свободы информации», «О защите профессиональной деятельности журналиста», «О средствах массовой информации», указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационной сферы и массовых коммуникаций» от 2 февраля 2019 года № УП-5653, постановлении главы государства «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁷⁸. Исследования, связанные с факторами развития информационных жанров в условиях демократизации общества, проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в University of Illinois, The University of Pennsylvania, The University of Minnesota, The University of Texas, Florida International University (США), Northumbria University Newcastle, Leeds Metropolitan University, University of Westminster, Brunel University London, Cambridge University (Великобритания), Queensland University of Technology (Австралия), The

⁷⁷ О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационной сферы и массовых коммуникаций. Указ Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2019 года № УП-5653.

⁷⁸ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://oxfordre.com/communication/> (Oxford Research Encyclopedias); <https://oatd.org/> (Open access Theses and dissertation); www.jstor.org/stable/ (Digital Library for Scholars), <http://www.press.uillinois.edu/> (University of Illinois Press); <https://eprints.qut.edu.au/> (Queensland University of Technology) <https://bura.brunel.ac.uk/handle/2438/12443> (Brunel University London); <https://ir.lib.uwo.ca/etd/4269> (The University of Western Ontario); <https://conservancy.umn.edu/handle/> (The University of Minnesota); <https://www.utdallas.edu/> (The University of Texas); <https://www.fiu.edu/> (Florida International University); <https://www.westminster.ac.uk/> (University of Westminster); <http://www.cam.ac.uk/> (Cambridge University).

University of Western Ontario, University of Ottawa, University of Toronto (Канада), The University of Hong Kong (Pokfulam) (Гонг Конг), Hasettepe University, Bilkent University (Турция), Национальном университете Узбекистана, Узбекском государственном университете мировых языков, Университете журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана (Узбекистан).

На основе исследований, направленных на научное обоснование места теорий прессы и новостей в развитии демократического общества, а также факторов их развития, получен ряд, в том числе следующие научные результаты: раскрыты сущность теорий прессы, их соответствие или не соответствие демократическим ценностям, их значение или недостатки (University of Illinois, USA); обосновано то, что современная журналистика должна быть фактором вопросов объективности в распространении информации, взятия на контроль субъективной информации, поступающей через гражданскую журналистику (Old Dominion University, США); обоснованы своеобразные особенности обучения находить, обработать информацию, писать новости (Loyola University, Winona State University, Temple University, США; Indian Institute of Mass Communicatoins, Индия; University of Melbourne, Австралия).

В настоящее время в мировом масштабе проводится ряд исследований о месте информационных жанров в информационных и коммуникационных процессах мира, основанных на демократических принципах, в том числе в следующих приоритетных направлениях: исследование возможностей, созданных цифровыми технологиями в передаче информации, изменений в процессе обработки информации; переклассификация новостей в аспекте сущности, формы и вида; изучение современных проявлений свободы слова в распространении объективной и субъективной информации, новостей; вопросы надежности информации в современной медиа-среде; импульс гражданской журналистики на профессиональную журналистику; изучение процессов медиаконвергенции в прессе.

Степень изученности проблемы. В Узбекистане по теории печати, своеобразным особенностям информационных жанров, по их образованию проводили исследования М.Худойкулов, Ф.Муминов, П.Муминова, Х.Дустмухамедов, К.Эрназаров, Ф.Нестеренко, Ё.Маматова, Ю.Хамдамов, Н.Косимова, Н.Тошпулатова, Ф.Низомов, Н.Тухлиева⁷⁹.

